
СОЛИҚЛАРНИ БЎЛИБ ТЎЛАШ ИМКНИ КИМЛАРГА ВА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?



Президент [қарори](#) асосида, 2021 йил 1 июндан бошлаб солиқ тўлашда интизомли бўлган тадбиркорларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Мазкур қарорга кўра, 2021 йил 1 июн ҳолатига уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлиқ тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра, солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Бунда, гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ суммаси тадбиркорлик субъектлари томонидан охириги уч йил давомида тўланган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш тадбиркорлик субъектлари тўлов муддатлари кўрсатилган график асосида Давлат солиқ бошқармалари ва Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан **12 ой муддатгача** тақдим этилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқларни гаровсиз бўлиб-бўлиб тўлаш муддатлари бузилган тақдирда, солиқ органининг солиқларни гаровсиз бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги қарори муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари солиқларни гаровсиз бўлиб-бўлиб тўлашлари учун солиқ органларининг электрон давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали ҳудудий солиқ органларига ариза билан мурожаат қиладилар.

Солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 97-моддаси 13-қисми талабларини инобатга олиб, солиқ агентларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ суммасига шу даврда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда фоизлар ҳисобланади.

Данғара туман Давлат солиқ инспекциясининг

“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси бошлиғи А.Хўжамбердиев

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-09-17 19:16:41